

Қуръон мусобақаси иштирокчилари Мадина бўйлаб зиёратга чиқдилар



15:56 / 11.10.2018 3700

Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрида ўтказилган халқаро Қуръон мусобақаси доирасида иштирокчилар учун шаҳар бўйлаб зиёрат тадбири ташкил этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати хабар берди.

Зиёрат давомида қорилар Қуръон ишлаб чиқарувчи корхона, Кубо масжиди, Уҳуд тоғи сингари қадамжоларга зиёрат қилишган.

Бундан ташқари, қорилар Мадина шаҳридаги Қуръон кутубхонасига ҳам ташриф буюрганлар. У ерда қадимий қўлёзмалар билан танишганлар.

Хабарда Қуръон мусобақаси иштирокчилари Мадина зиёратидан сўнг Макка шаҳрига ташриф буюришлари ҳам эътироф этилган.

